

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 10 сентябрь, № 192 (7694) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## «ҒАЛАБА БОҒИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини кўрсатган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини кенг миқёсда ёритиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг беқиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент шаҳрида **“Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат мадҳияси” монументларини**, тарихий-бадиий экспозицияларни ўз ичига олган **“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси** барпо этилди.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейи фондини доимий равишда бойитиб бориш, ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва келажак авлод учун архив ҳужжатлари ва ашёларни сақлаб қолиш, ёшларни юксак гуманизм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:

Мудофаа вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги **“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси** (кейинги ўринларда — Мажмуа) фаолиятини Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси манзилида ташкил этиш;

Мажмуа ҳудудида Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази, Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти, Ҳарбий оркестрлар хизмати, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблини бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш;

Мажмуа ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Мажмуанинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

Иккинчи жаҳон уруши жангларида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини кўрсатган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини илмий асосда ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш;

Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, фронт ортидаги меҳнат қаҳрамонликлари, юртимизга эвакуация ва депортация қилинган турли миллат вакиллари, хусусан, болаларнинг бағрикенглик билан кутиб олиниши ва уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилиши сингари тарихий воқеаларни акс эттириш орқали ёш авлоднинг маънавий оламини юксалтириш ва кекса авлод билан ворисийлик туйғусини кучайтириш, юксак гуманизм, она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш;

халқимизнинг тарихий хотира билан яшаб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, шунингдек, мазмунли дам олиши билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда республика ва халқаро миқёсда илмий-амалий конференциялар, семинарлар, маҳорат дарслари, ижодий кечалар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Иккинчи жаҳон уруши даврига оид хорижий музей экспозициялари ва архивлари фондларини ўрганиш, Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган улкан ҳиссасини илмий асослаш учун мақсадли, фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш;

“Шон-шараф” давлат музейи фондлари ва экспозицияларини Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам бойитиб бориш;

Иккинчи жаҳон урушига оид музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш, янгиларини аниқлаш, тўплаш, улар ҳақидаги маълумотларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва илмий истеъмолга киритиш;

уруш даврида юртдошларимизнинг жанговар ва фронт ортидаги фидокорона хизматларини акс эттирадиган тарихий хотирани мустаҳкамлаш мақсадида таълим муассасалари билан ҳамкорликда Мажмуада очиқ дарслар, маъруза ва семинар машғулотлари ўтказишни, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини ташкил этиш;

Мажмуада туристлар, тадқиқотчилар ва зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва унинг туристик салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Мажмуа таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейи экспозициясини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ноанъанавий кўргазмалар яратиш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ушбу йўналишдаги чет эл музейлари билан кўргазмалар ташкил этиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

аҳолига маданий-дам олиш хизматларини кўрсатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси, Қуролли Кучлар давлат музейи, Қуролли Кучлар ашула ва рақс ансамбли ҳамда Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий оркестрлар хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали бошқариш мақсадида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг **маданий ишлар бўйича маслаҳатчиси — “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси бошлиғи** лавозими жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги **“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) Мажмуани сақлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

б) “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасини ривожлантириш жамғармаси қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

Мажмуага ва унинг объектларига кириш учун чипталар сотиш, унинг мулкини ижарага бериш, шартномага мувофиқ кўргазмалар ташкил этишдан ва бошқа хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилган ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) Мажмуага ташриф буюриш учун бир марталик чипта нархи Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

6. Зарур ҳолларда Мажмуага, унинг фаолиятини ташкил этиш учун тегишли базавий лавозим маоши бўйича соатбай меҳнатга ҳақ тўлаш асосида бошқа мутахассисларни жалб этишга рухсат берилсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТЎЛАҚОНЛИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кўрилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 2017 йилга нисбатан 2019 йилда 2 баравар кўпайишига, йилига 10 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 17 миллион тоннадан ортиқ бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ва 2,5 миллион тонна гўшт етиштиришга эришилди.

Шу билан бирга, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро стандартлар ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар орасида ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги бозорларни очишда тўсқинлик қилмоқда.

Мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклатилсин:

мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи **корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратиш**;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, **ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш**;

мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини **қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари — янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, юқори самара берувчи йўналишларда лойиҳаларни** амалга ошириш;

озиқ-овқат саноатининг ривожланишига **хусусий ва тўғридан-тўғри чет инвестициялар оқимининг таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш**;

замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, **маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш**, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, **экспорт салоҳиятини кенгайтириш** ҳамда **импорт ҳажмини камайтириш** чораларини кўриш.

2. Мазкур қарорга асосан юклатилаётган қўшимча вазифаларни самарали амалга ошириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш бошқармаси негизида бошқарув ходимларининг чекланган сони **12 та** штат бирлигидан иборат **Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси** ташкил этилсин;

**вазир ўринбосари — Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи** лавозими жорий қилинсин.

Бунда **Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасининг** 8 та штат бирлиги қўшимча штат бирликларини киритиш ҳисобига шакллантирилади.

(Давоми 2-бетда).

**Олий Мажлис Сенати**

## РЕЖАДАГИ МАСАЛАЛАР ҚЎМИТАЛАРДА ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Куни кеча Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг видеоконференцалоқа шаклида йиғилишлари ўтказилди. Уларда парламент юқори палатаси еттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилган масалалар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.*

### Ярим йилликдаги Давлат бюджети ижроси қандай?

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси йиғилишида молия вазирининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Давлат бюджетининг 2020 йил биринчи ярмидаги ижроси доирасида “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунда белгиланган бюджет параметрлари ҳамда Президентимизнинг коронавирус инфекциясига қарши курашиш, глобал инқироз оқибатларини бартараф этиш юзасидан қабул қилинган Фармон ва қарорлари, Ҳукумат ҳамда Инқирозга қарши курашиш комиссияси қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

➔ 3

**Ўзбекистон – Тожикистон: истиқболли ҳамкорлик**

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

*Марказий Осиё... Тарихи ва тақдири муштарак халқлар бешиги. Турли даврлар ва салтанатлар, давлатчилик замонларида бунёдкорлик фазилатлари, заковати, бағрикенглиги билан ўзаро дўстона ришталарни эъзозу азиз тутиб, буюк тамаддун яратган, бошидан не-не синовларни ўтказган эллар бугун ўз истиқлоли туфайли янги марраларни эгалламоқда. Хусусан, сўнгги тўрт йил мобайнида минтақа халқлари аждодлар руҳини шод этиб, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янги поғонага кўтариб, тинчлик ва бирдамлик сари дадил қадамлар ташламоқда.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10 ноябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференцияда таъкидлаганидек, “Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради... Амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва кафолатидир”. Айнан мана шу омил Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларининг ҳаётимизнинг турли соҳаларидаги муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганига изчил хизмат қилиб келмоқда.

### Буюк ҳақиқат

Ўзбек ва тожик халқлари асрлар давомида қондош ва жондош, қуда-анда бўлиб яшаб келгани, маънавий олами, адабиёти, мусиқаси, турмуш тарзи бир-бири билан қоришиб кетгани аслида тарихда ноёб ҳодисадир. Шоирлар бежиз бу икки халқни бир дуторнинг икки тори, бир дарахтнинг икки шохи, бир дарёнинг икки соҳилига ўхшатиб тараннум этмаган. Улар мураккаб тарихий жараёнларда бир-бирига таяниб, талпиниб, елкадош бўлиб яшаб келган. Бу борада реал ҳаётимиздан, бой ўтмишимиздан талай мисоллар келтириш мумкин.

Ҳа, тарихни халқлар яратади. Элнинг буюк тўлқин, куч-қудрат эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Лекин элларни қардошлик ва бирликка ҳидоят этувчи, яратувчанликка чорловчи уларнинг раҳнамолари, юртбошилари бўлади. Буни Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг дўстона муносабатлари, икки қўшни ва азалдан хешу ақрабо бўлиб келган халқларнинг қалбларидаги буюк куч — қондошлик ҳис-туйғуларини ифода этувчи ришталарни янги замонга мос равишда мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, жасоратларида яққол кўриш мумкин.

➔ 2

**Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси олдидан**

## КИТОБХОНЛИК КУНИ НИШОНЛАНАДИ

*Ҳар йили 9 август — Бутунжаҳон китобсеварлар куни, 2 апрель эса Халқаро болалар китоблари куни сифатида дунёда кенг нишонланади. Бу каби тадбирлар инсониятнинг китобга бўлган иштиёқини ошириб бормоқда. Республикамизда ҳам китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ҳамда дастурлар қабул қилинган.*

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш борасида тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус доирасида белгиланган вазифалар ҳам тенгдошларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини оширишга қаратилган.

Юқоридаги қарор ва дастурлардан келиб чиққан ҳолда соҳада бир қанча амалий ишлар олиб бориляпти. Ҳар йили юртимиз ёшлари ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган “Ёш китобхон” республика танлови ўтказиб келинаётир.

Ёш авлоднинг китобга бўлган меҳрини янада ошириш, қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ҳамда мутафаккирларимизнинг бой маънавий мероси, ноёб асарларини ҳар томонлама ўрганиш мақсадида Китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва қонунчилик масалалари комиссияси 2021 йилдан мамлакатимизда ҳар йили 15 апрель кунини Миллий китобхонлик куни сифатида нишонлаш таклифини илгари сурмоқда.

➔ 3

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ЕЧИМИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қонун лойиҳалари қаторида, тегишли вазирлик ва идораларга юборилган парламент сўровларига жавоблар ҳам кўриб чиқилди. Аҳамиятлиси, депутатлар ҳар бир масалага ҳаётий зарурат ҳамда эҳтиёжлардан келиб чиқиб ёндашишди.*

### Маданий мерос объектларини ЮНЕСКО рўйхатига киритиш муҳим вазифа

Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. 1993 йилдан 2020 йилгача ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига 5 та моддий маданий мерос объекти ва 8 та номоддий маданий мерос номзоди киритилган бўлиб, 2030 йилгача 10 дан ортиқ маданий мерос объектлари ҳамда 5 дан зиёд номоддий мерос номзодлари киритилиши режалаштирилган.

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги маданий мерос объектларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига ҳамда Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш, бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига маданият вазири О. Назарбековнинг жавоби чуқур таҳлил қилинди.

Вазирлик жавобида қайд этилишича, номоддий маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш билан боғлиқ масалаларда ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси қўмитаси билан доимий алоқада иш олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ЮНЕСКО Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига — Шашмақом, Наврўз, Катта ашула, Аския, Палов маданияти ва анъаналари, Хоразм рақси — Лазги, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича энг яхши тажрибалар реестрига “Марғилон ҳунармандчилик мактаби: атлас ва адрас тўқиш технологияси” номзодлари киритилган.

Ўзбекистон номоддий маданий меросининг янгиланган миллий рўйхати тасдиқланган бўлиб, ундан бешта йўналиш бўйича 60 дан зиёд номзодлар ўрин олган.

Шунингдек, ЮНЕСКОнинг зудлик билан муҳофаза остига олиниши лозим бўлган номоддий маданий мерос объектлари рўйхатига — қўбиз ижрочилиги, ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига бешта — бахши санъати, этноспорт, ёғоч ўймакорлиги санъати, халфачилик, ўзбек жанг санъати, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид энг яхши тажрибалар реестрига тавсия этилиши режалаштирилаётган ишлар рўйхатига Риштон кулоллик мактаби тавсия этилган.

➔ 3



## ҲИСОБ-КИТОБ АНИҚ БЎЛСА, ИШ ҲАМ ТАРТИБЛИ ВА САМАРАЛИ БЎЛАДИ

*Ерга ташбеҳ берилганда, унга “Она” сўзи қўшиб айтилади. Бу бежиз эмас. Чунки биз шу ер устида туғилганмиз, яшаймиз, ундаги неъматлардан баҳраманд бўламиз.*

*Дарҳақиқат, ер — инсониятнинг нафақат яшаш макони, балки тириклигининг асосий манбаи ҳисобланади. Лекин доим ҳам ер қадрига етяпмизми? Уни ўз келажагимиз, биздан кейинги авлод учун асраяпмизми?*

### Фикр

Бу саволларга ижобий жавоб бериш қийин. Чунки бугунги кунда айрим фуқаролар томонидан ердан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Шу сабабли ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир селектор ҳамда учрашувларда бу борадаги ислоҳотларнинг натижадорлигини доимий назорат қилиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Чунки республикамизда охирги ер хатлови бундан қирқ йил олдин ўтказилган.

Президентимиз раҳбарлигида куни кеча бўлиб ўтган видеоселекторда ҳам ушбу масала яна бир бор кўтарилиб, муаммолар таҳлил этилди. Ернинг ҳисобини юритиш, ундан фойдаланиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, шу мақсаддаги ишларни жадаллаштириш учун давлатимиз раҳбарининг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар, шунингдек, ушбу Фармон мазмун-моҳияти хусусида айрим мутасаддилар фикрларини ёзиб олдик.

➔ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТЎЛАҚОНЛИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан **20 миллиард сўм миқдоридаги маблағларни** Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)га **ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин**.

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини сарфлашнинг қўшимча йўналишлари этиб белгилансин:

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган **истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини**, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган **истиқболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини таъминлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини**, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига **хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини**, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тартиби бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХКнинг:

**"Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХКни тугатиш**;

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК **Озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармасининг тугатиш якунларига кўра қолдиқ маблағларини Жамғармага ўтказиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. **"Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХКни тугатиш комиссияси** 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Молия вазирлиги сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини ташкил этиш учун Ҳукумат кафолати остида жалб этилган халқаро молия институтлари ва хорижий банклар олдидаги тугатилаётган "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХКнинг қарз маблағларини график бўйича тўлаб борилишини таъминласин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда:

озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари маблағларининг кенг жалб қилинишини;

халқаро молия институтларининг жалб қилинган маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга манзилли етиб боришини таъминласин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида **2021/2022 ўқув йилидан** бошлаб республика олий таълим муассасаларининг **"5321000-Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)"** ҳамда **"5410500-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)"** таълим йўналишлари бўйича бакалавриатнинг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич ошириб бориш чораларини кўрсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

**бир ой муддатда** тегишли таълим йўналишлари (мутахассисликлар)да соҳа бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг амалиётларини ўташ объектлари — иш берувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантирсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 декабрга қадар** озиқ-овқат технологиялари соҳасида замонавий техника ва технологияларни жорий этган етакчи корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан талабаларнинг амалиётларини ўташ юзасидан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ў.Барноев:

**бир ҳафта муддатда** қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари — Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали номзод бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин;

**бир ой муддатда** ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича туманларнинг диверсификацияланишини таъминласин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев):

**бир ой муддатда** Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**бир ой муддатда** Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасини танлов асосида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга замонавий менежмент ва маркетинг усулларини эгаллаган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

**икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) ҳамда Давлат божхона қўмитаси (Азимов) билан биргаликда **уч ой муддатда** озиқ-овқат саноатида импорт қилинаётган товарлар тури, таснифи, миқдори, нархи ҳамда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналар бўйича доимий янгиланиб борадиган маълумотлар базасини яратсин ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда:

**уч ой муддатда** илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, савдо-логистика ҳамда сақлаш марказларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**2021 йил 1 январга қадар** республикада қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларига мавжуд ички талабни ҳисобга олган ҳолда **2021 — 2023 йилларга мўлжалланган саноатбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш дастурини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

**2021 йил 1 мартга қадар** мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни жадал ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

г) Бош вазир ўринбосари С.Умурзоқов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган холда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича инвестицион лойиҳалар ташаббускорларини аниқласин ва лойиҳаларни ишга тушириш учун доимий амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва "Дунё" ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қарорда белгиланган тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-4292-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги "Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2492-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 9 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# «ҒАЛАБА БОҒИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда Мажмуа ҳудудида Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази биносини қуриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

уч ой муддатда "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуасини ривожлантириш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Мажмуа фаолиятини ташкил этиш учун зарур штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ажратилади;

Мажмуа Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, банк ҳисобварақларига ҳамда хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эга бўлади;

Мажмуа бошлиғи Ўзбекистон Республикаси маданият вазири билан келишилган ҳолда мудофаа вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Мажмуа таркибидаги "Шон-шараф" давлат музейи юридик шахс мақомига эга бўлган муассаса ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти ўз мақомига, ходимлар (ҳарбий хизматчилар) меҳнатига ҳақ тўлаш (пул таъминоти) шартларига кўра Мудофаа вазирлиги марказий аппаратининг бош бошқармасига тенглаштирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Мажмуанинг 2021 йилдан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига киритилишини ва илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ танловлар асосида Мажмуа илмий лойиҳаларига белгиланган тартибда маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзархив" агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги янги маълумотларни, Мажмуада олиб борилаётган илмий-маърифий, оммавий-маданий тадбирларни ўзида атрофлича акс эттирадиган **китоб-альбом тайёрлаб, ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида нашр этиш**ни йўлга қўйсин.

11. Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси ҳақидаги китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси:

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти фахрийларининг қаҳрамонлигига оид материалларни тўплаш ҳамда Мажмуа таркибидаги "Шон-шараф" давлат музейи фондида сақланаётган экспонатлар ва маълумотлар асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва Мажмуа фондини доимий равишда бойитиш ишларини амалга оширсин;

Республика олий ва олий ҳарбий таълим муассасалари талабалари (курсантлари), магистрантлари ва докторантлари томонидан уруш йилларига оид илмий тадқиқот ишлари олиб боришларини ташкил этсин, ушбу мақсадда "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси объектларида алоҳида ўқув хоналари ажратсин;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда мавзуга оид бадиий, илмий-оммабоп китобларни нашр этсин;

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг муносиб ҳиссасини келгуси авлодлар хотирасида сақлаб қолиш учун режалаштирилган тадбирларни доимий равишда ўтказилишини таъминласин;

Мажмуа таркибидаги "Шон-шараф" давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг бурчакларини яратиш бўйича ишларни ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Мажмуа ички ҳудуди ва объектларининг қўриқланиши ва ёнғин хавфсизлигини, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия Мажмуага туташ бўлган ташқи ҳудудларнинг кеча-кундуз қўриқланишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Мажмуанинг мурожаатига асосан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан илмий ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Мажмуанинг мурожаатига асосан унинг белгиланган тартибда телекоммуникация ва юқори Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги икки ой муддатда:

а) Маданият вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

Мажмуага кириш **чипталарининг онлайн савдосини** ташкил этиш;

хорижий тилларда **онлайн гид ва онлайн экскурсия** ўтказиш тизимини жорий этиш;

"Шон-шараф" давлат музейининг замонавий сайтини яратиш ҳамда унда **"3D" ва "360°" форматидаги фотоальбомни шакллантириш ва жойлаштириш** чораларини кўрсин.

б) Савдо-саноат палатаси ва "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ва "Шон-шараф" давлат музейи ҳудудида миллий эсдалик совғалари маҳсулотлари ҳамда музейда сақланаётган ашёлар нусхаларининг савдосини ташкил қилсин.

17. Белгилансинки, Мажмуа ҳудудида эсдалик совғалари маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи ҳунармандлар фақат ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотади ва "Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги"га киритилади.

18. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2020 йил 1 октябрга қадар Мажмуани белгиланган тартибда қабул қилиб, тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштирсин ва уни барча мол-мулки билан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида топширсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

бир ой муддатда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда Мажмуани юқори малакали кадрлар билан таъминласин;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Мажмуага ички ва ташқи сайёҳларни кенг жалб этиш чораларини кўрсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги билан ҳамкорликда Мажмуада ўтказиладиган маданий ва маърифий тадбирларга таниқли ёзувчилар, шоирлар, ижод мактаблари ўқувчилари, шонли тарихимиз ва маданиятимиз бўйича мутахассисларни, ҳарбий ансамбль ва оркестрлар ҳамда бошқа мусиқа ва санъат вакилларини кенг жалб қилиб борсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази Мажмуага тегишли таълим муассасалари таълим олувчиларини кенг жалб қилган ҳолда Иккинчи жаҳон уруши йиллари тарихи ва ватанпарварлик мавзуларида доимий равишда машғулотлар ўтказилишини ташкил этсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3726-сон қарори 2-бандининг "б" кичик бандидаги "жойлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари" сўзлари "ўринлар олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги уч ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Спичрайтери Х.М.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 9 сентябрь

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

1

## 2018 йилнинг файзбахш баҳор-ёзи

2018 йил баҳори икки мамлакат халқлари учун ўта файзли ва фараҳбахш келди. Она табиат борлиққа ўз сепини ёйган кезда — 9 март куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистонга давлат ташрифи билан борди. Бу воқеа икки мамлакат тарихида албатта зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак. Зеро, ушбу ташриф давлатларимиз, халқларимиз муносабатлари тарихида янги саҳифалар очди. Бу кун Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳри ва мамлакат бўйлаб "Хуш омадед! Хуш келибсиз, Шавкат Мирзиёев!" сўзлари ҳар бир тожикистонлик тилидан самимий янгради, бу онлар элга ҳаққоний қувонч бағишлади, эзгуликдан дарак берди.

Президентимизнинг ташрифи асносидаги чинакам дўстона мулоқотлар, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, туризм, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган 27 та ҳужжатнинг имзоланиши икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Президент Эмомали Раҳмон Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг икки томонлама ва минтақавий алоқаларни кенгайтириш борасидаги ташаббуслари ва амалий саъй-ҳаракатларини юқори баҳоладиди ва ушбу ташриф ҳақиқатан ҳам тарихий характер касб этганини алоҳида қайд этди.

Ҳа, доно ва оқил раҳбарлар элларни бирбири билан мустаҳкам боғлайди, тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, шу тариқа аждодлар анъанасини давом эттириб, уларнинг руҳларини шод этади.

Тожикистон тарихидаги ўта мураккаб давр мустақилликнинг илк йилларига тўғри келди. Бу заминда қуролли тўқнашувларга хотима бериш ва тинчликка эришиш осон бўлмаган. Мамлакатимиз Президенти ҳам шахсан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг ўз диёрида тинчлик ва барқарорлик йўлидаги жасорати, хизматларини юксак баҳолади. "Буни, дейди Шавкат Мирзиёев, бутун дунё жамоатчилиги эътироф этади".

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, шак-шубҳасиз, икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янги поғонага кўтарди ва бу алоқалар бугунги кунда амалий самарасини бермоқда.

Ташриф доирасида Амузанг станциясида Ўзбекистонни Тожикистоннинг жануби билан боғловчи темир йўл очилди. Ундан олдин икки мамлакат ўртасида авиақатновлар қайта тикланган эди. Музокаралар асносида икки мамлакат тадбиркорлари, ҳудудлараро ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи меъёрий-ҳуқуқий келишувлар имзоланди, сув-энергетика муаммоларини биргаликда ҳал этиш борасида келишиб олинди. Икки давлат раҳбарлари мамнуният билан қайд этганидек, икки томонлама муносабатларда ҳал бўлмаган масала қолмади.

**"Биз ўзбек ва тожик халқлари ўртасида дўстлик кўпригини мустаҳкамлаш бўйича астойдил ҳаракат бошладик. Ниятимиз ёр бўлиб, эзгу мақсадларимизга эришамиз, иншоолоҳ. Биз дўстлик ва инсонийлик нуқтаи назаридан қўшниларимиз билан, аввало, қардош Тожикистон билан ҳамиша дўст ва бИродар, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўламиз", деди давлатимиз раҳбари.**

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг 2018 йил 17-18 август кунлари мамлакатимизга давлати ташрифи чоғида конструктив руҳда ўтган мулоқоту музокаралар, имзоланган ҳужжатлар ҳам икки қўшни давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар тарихида аҳамиятга молик воқеа бўлди. Айнан икки давлатнинг хоҳиш-иродаси, ишончли ва дўстона муносабатлари икки халқни тараққиёт ва келажак сари янада жипслаштирди.

Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар энг муҳими кўп миллатли халқларимиз ҳаётий манфаатларини тўлиқ ифода этади. Хусусан, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома бу муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши айни ҳақиқат. Ёки Тожикистон ҳудудида, Зарафшон дарёсида Ўзбекистон улуши билан гидроэлектростанциялар қурилишига оид келишув ҳам икки халқни мамнун этди.

Бу ҳам тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Тожикистон Президенти эса ўз нутқида минтақа аҳолисини ташвишга солиб келаётган сув муаммоси ҳақида тўхталиб, Тожикистондаги сув захиралари икки республика учун етарли эканини, хусусан, ушбу мамлакатда жойлашган Сарез кўли сув ресурсларини биргаликда ўзлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу тариқа Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг, унга узоқ муддатли ва кенг кўламли тус беришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Тошкентнинг "Форумлар саройи"да бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, яхши қўшничилик, маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш, ўзбек ва тожик биродар халқларининг иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорлик борасидаги кўрсатган хизматлари ва ташаббуслари учун Ватанимизнинг "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Эмомали Раҳмон, ўз навбатида, Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари ва амалий қадамларини мамнуният билан эътироф этди ва тожик халқининг ўзбек халқига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромини билдирди, Мавлоно Жомий ва Мир Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз пойдеворини қўйган бу дўстлик алоқалари янги замонда янгича мазмун касб этиб, абадий бўлиб қолишини алоҳида қайд этди.

## Дўстлик дарахтининг тотли мевалари

Ҳаётда инсонларнинг дўстлар, қариндошлари дийдорига мушарраф бўлишдан катта бахт бўлмаса керак. Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари Президентларининг инсонпарварлик сиёсати туфайли икки мамлакат қардош ўзбек ва тожик халқлари учун очилди, бунинг учун барча шароитга эга бўлган 18 та чегара пости ташкил этилди. Агар 2020 йилнинг март ойи ўрталаридан бошлаб коронавирус пандемияси туфайли чегаралар фуқаролар учун ёпилганини ҳисобга олмасак, визанинг бекор қилиниши халқларимизга охирги чорак асрдан кейин бағоят қувончли воқеа бўлди. Чегара постларидан у ёки бу томонга ўтган минглаб ёшу қари инсонлар икки давлат раҳбарлари ҳақига дуога қўл очарди.

Бугун дунё аҳли бошига келган коронавирус балоси, албатта, бизнинг алоқаларимизга, хусусан, гуманитар муносабатларимизга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Лекин сув-энергетика, савдо, коммуникация, соғлиқни сақлаш, спорт каби соҳалардаги самарали ҳамкорлик алоқаларимиз бирор кун ҳам тўхтаган эмас.

Шунингдек, жорий йил 9 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан коронавирус тарқалишининг олдини олишда кўмаклашиш мақсадида қўшни ва биродар Тожикистон халқига инсонпарварлик ёрдами юборилди. Тожикистон расмий доиралари, турли касб эгалари дўстлик ва яхши қўшничиликка содиқ бўлган Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига ўз миннатдорлигини ва юборилган инсонпарварлик, айниқса, тиббиёт соҳасида асқатишини алоҳида баён этди.

Тожикистон ҳукумати эса, Сардобада техноген ҳодиса туфайли зарар кўрганлардан ёрдамини дариғ тутмади, кўп миқдорда қурилиш материаллари жўнатди. Ўнга яқин ўзбек шифокорлари ҳам тожик касбдошларига ёрдам кўрсатиш мақсадида бир неча кун Тожикистонда бўлишди, илғор тажрибалари билан ўртоқлашди. Яъни биз қондошу қардош халқлар ғаму ташвиш бошимизга тушса ҳам ҳамиша елкадошмиз.

Икки томонлама интергациялашув жараёнида адабиёт ва санъат вакилларининг ўрни алоҳида эканини яхши биламиз. Атоқли адиб Мирзо Турсунзода ўтган асрнинг йигирманчи йиллари Тошкентда таҳсил олган. Бу шариф инсон ўзбек тилини яхши биларди, ўзбек халқига ҳурмати бўлакча эди. Ўтган йили баҳорда Тошкентда адиб таваллудининг 108 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ажойиб тадбир ташкил этилди. Тадбирда иштирок этган Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим бундай тадбирлар устозлар руҳини шод этаётганини таъкидлади.

— Биз 2018 йили "Садойи Шарқ" журналининг 6-сонини ўзбек адабиётига бағишладик, — дейди Низом Қосим. — Бундан олдинроқ "Жаҳон адабиёти"нинг апрель ойи сонидан тожик адабиёти намуналари ўрин олган эди. Ҳа, орамиздаги баланд деворлар қулади, қалбларимизга йўл топдик, адабиёт дўстлик кўпригига айланди. Жорий йилнинг март ойида биз Душанбе шаҳрида атоқли ўзбек шоири Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва адабий меросига бағишлаб тадбирлар ўтказдик.

Бу тадбирда ўзбекистонлик адиблар қадрли меҳмон бўлиб иштирок этди. Биз аждодларимизнинг гўзал услуби — зуллисонайнлик анъанасини тиклашимиз лозим. Тожикистонлик ўзбекзабон шоиримиз раҳматли Ўлмас Жамолнинг "Тожикистон ўғлидурман, ўзбегим гуфто писар" матласи билан бошланадиган ғазални эслайлик-а!

Бугунги кунларда Тожикистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигини тинчлик ва барқарорлик, қўшни давлатлар, жумладан, Ўзбекистон билан дўстона алоқалар муҳитида нишонламоқда. Коронавирус офати ҳам ўткинчи, иншоллоҳ. Икки халқ, икки давлат дўстлик ва ҳамкорлик дарахтлари янада тотли мевалар беришига ишонамиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилда Олий Мажлисга Мурожаатномасида минтақамиздаги мамлакатлар билан барча соҳаларда дўстона муносабатлар, ҳамкорлик алоқаларни янги поғона кўтариш хусусида гапириб, шундай деди: "Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз".

**Шоқаҳҳор САЛИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# РЕЖАДАГИ МАСАЛАЛАР ҚЎМИТАЛАРДА ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

1 Дунё миқёсида кечаётган глобал ўсиш суръатлари пасайиши жараёни мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам таъсир этиши боис ярим йиллик якунига кўра, ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 255,3 трлн. сўмни ташкил қилган.

Мамлакатда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг таъсири натижасида Давлат бюджетининг бу даврдаги даромади 58,2 трлн. сўмга ёки тасдиқланган йиллик параметрларга нисбатан 45,3 фоиз ижро этилган. Ҳисобот даврида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 15 фоиз кўп маблағ туширилишига эришилган.

Бундан ташқари, йиғилишда арзон уй-жойлар қуриш жараёнидаги ҳамда аҳолини табиий газ билан таъминлашдаги муаммолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровлари натижалари ҳам кўриб чиқилди.

## Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига ҳуқуқий шароит яратилади

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар муҳокама марказида бўлди.

Хусусан, йиғилишда "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал этиш усули ҳисобланувчи фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида арбитраж муҳокамаси институтини ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси учун зарурий ҳуқуқий шарт-шароит яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

"Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун билан эса халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан давлат органларининг фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назоратини таъминлаш мақсадида мустақил юридик шахс сифатида Кенгашларнинг котибияти тузилади.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан 17 та қонун, жумладан, 8 та кодекс ва 9 та қонунга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилаётгани айтиб ўтилди.

## Иккита янги туман ташкил этилмоқда

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси йиғилишида Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Наманган шаҳри таркибида Давлатобод туманини ташкил қилиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, янгидан барпо қилинаётган Янгиҳаёт туманига Тошкент шаҳридан 2 минг 131,2 гектар ҳамда Тошкент вилоятидан 2 минг 288,4 гектар, жами 4 минг 419,6 гектар ер майдони ажратилиб, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегаралари мувофиқлаштирилмоқда.

Шунингдек, Наманган шаҳри ҳудудининг 4 минг 686 гектар ер майдонида Давлатобод тумани ташкил этилиб, илгари 2004 йилгача фаолият кўрсатган Давлатобод тумани ҳудудига нисбатан қарийб 4,2 баробар кенгайтириляпти.

Мазкур иккита янги туман нафақат ҳудудлар, айни чоғда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши иштирокчилар томонидан алоҳида таъкидланди.

## Ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча ҳуқуқи тартибга солинади

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси йиғилишида "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди. Ушбу ҳужжат ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча ҳуқуқини тартибга солиши, улар учун жамият ҳаёти жабҳасида ногиронлик асосида камситилмасдан, жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратишни назарда тутиши билан аҳамиятли эканлиги эътироф қилинди.

Қонунда ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни яратишнинг халқаро стандартларидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликда мавжуд бўлмаган "ногиронлик белгиси бўйича камситиш", "ногиронлиги бўлган шахсларни нодавлат нотижорат ташкилотлари", "абилитация", "сурдотаржима", "сурдотехник воситалар", "тифлотехник воситалар" каби янги атамалар акс эттирилган.

Бундан ташқари, тадбирда "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги қонун ҳам кўрилди. Қонунда наркологик касалликлар профилактикасига, бу борадаги тизимли чора-тадбирларга кенг ўрин ажратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига илмий фаолиятни ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар ҳолати ҳақида парламент сўрови юбориш масаласи муҳокама қилинди.

## Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун Ҳукуматга сўров юборилади

Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун мавжуд шарт-шароитлардан фойдаланиш тўғрисида парламент сўрови юбориш масаласи Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси йиғилишида муҳокама этилди.

Мазкур масала қўмита аъзолари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мисолида ўрганилгани таъкидланди.

Ўрганишлар натижаларига кўра, 2019-2020 йилларда хотин-қизлар томонидан жами якка тартибдаги 108 782 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилинган. Бироқ шу даврда 115 920 нафар аёл тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатган. Бу каби ҳолатлар эса аёллар учун ишсизлик каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу маънода, хотин-қизлар тадбиркорлигини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига сўров юборилаётгани айни муддаодир, дейилди йиғилишда.

## Ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлиги ошади

Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси йиғилишида муҳокама қилинган "Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларда ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ушбу долзарб масала ечимида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши сенаторлар томонидан айтиб ўтилди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Ер кодексига, шунингдек, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Яйловлар тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётир.

Йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# КИТОБХОНЛИК КУНИ НИШОНЛАНАДИ

1 Барча вазирлик ва идораларни жалб этган ҳолда "маҳалла — қишлоқ — шаҳарча — шаҳар — туман — вилоят — республика" кесимида юртимиз сайилгоҳларида, хиёбонлар, кўнгилочар маданият ҳамда истироҳат боғларида, спорт майдонларида, метро ва автобуслар бекатларида ҳамда бошқа объектларда "Китоб ўқиймиз" акциясини ўтказиш орқали ушбу кунни доимий анъанага айлантирсак, мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, телевидение ва радио дастурларида "Китобхонлик вақти" номли кўрсатув ҳамда радиоэшиттиришларни ташкил қилиш, мутахассисларни жалб этган ҳолда, ижтимоий тармоқларда "Китобхонлар" саҳифаларини очиш, интернетда "Китоб Web" дастур иловаларини яратиш ҳам китобхонликнинг кенг тарғиботига хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимиз мактабларига дарслик китоблари ўз вақтида етказилмаслиги ёки китоб етишмаслиги, айримлари фақат кутубхоналарда мавжудлиги каби муаммолар бор. Бундан ташқари, кўплаб инсонлар иш вақтида кутубхоналарга боролмаслигини инобатга олиб, "Telegram" ижтимоий тармоғида ягона "kitobxon_bot"ни ишга туширишни мақсад қилганмиз. Ушбу ботда барча дарслик ва бошқа турдаги китобларни жойлаштириш орқали ушбу муаммоларга маълум даражада барҳам берилади.

Китобхонлик кунини нишонлаш тўғрисидаги таклифимиз ялпи мажлисда қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

**Бекзод ХОЛМУРОТОВ,**
**Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.**

# СУВ РЕСУРСЛАРИ СОҲАСИДА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК КУЧАЯДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари видеоконференция шаклида ўтказилган Сув ресурслари бўйича Осиё Миллий Ассамблеяси Маслаҳат кенгашининг 2-йиғилишида иштирок этди.*

## Анжуман

Айтиш жоизки, Сув ресурслари бўйича Осиё Миллий Ассамблеяси Маслаҳат кенгаши (AAWC) — сув ресурсларига оид ҳужжатлар, қонунлар ва қонунчилик фаолияти бўйича ўзаро алмашинув орқали сув муаммоларини ҳал қилиш мақсадида Осиё мамлакатлари парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

Ушбу тузилма Осиё ҳудудида парламентлараро ҳамкорлик орқали сув ресурсларини тежашни таъминлаш ва фаровонликка эришишни кўзда тутувчи Осиё мамлакатлари парламентларининг сув ресурслари соҳаси бўйича ихтисослаштирилган халқаро маслаҳат тармоғидир.

Эътиборлиси, AAWC фаолияти давомида сув ресурсларига оид лойиҳаларга ва қўшма тадқиқотларга ўз вақтида ҳамда узлуксиз равишда амалга ошириладиган техник ёрдам кўрсатади. Шу боис тадбирда сув муаммоларининг ечимини топиш соҳасида парламентлараро ҳамкорликни кучайтириш масалалари қатнашчилар эътиборида бўлди.

Анжуман иштирокчилари томонидан аъзо давлатлар сув ресурслари соҳасида қабул қилинган янги қонунлар ва бошқа ҳужжатлар билан ўзаро ўртоқлашиш, соҳага оид қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартишлар киритиш учун ҳамкорликда таклифлар тайёрлаш, сув масалаларига оид халқаро конференциялар ва сиёсий сессияларда қатнашиш орқали Осиёдаги сув муаммоларини кун тартибига қўйиш, сув масалалари бўйича биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, қитъадаги сув соҳасига оид ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш Осиё Миллий Ассамблеяси Маслаҳат кенгаши фаолиятини янада самарали ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда Сув ресурслари бўйича Осиё Миллий Ассамблеяси Маслаҳат кенгаши ва Осиё Сув кенгаши махсус қўмитасининг ҳамкорлик стратегияси, Осиё Миллий Ассамблеяси Маслаҳат кенгаши аъзолари таркибини кенгайтириш стратегияси, COVID-19нинг олдини олиш бўйича ҳамкорликда чоралар кўриш, шунингдек, келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирлар муҳокама қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Б. Алихонов кейинги йилларда Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик муаммоларни бартараф қилиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш борасида миқёси жиҳатидан кўламдор ишлар амалга оширилаётгани, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мамлакат сиёсий майдонида янги ташкил этилган, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўз фракциясига эга бўлган Ўзбекистон Экологик партиясининг асосий дастурий вазифаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Сув ресурслари бўйича Осиё Миллий Ассамблеяси Маслаҳат кенгаши билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Якунда алоқаларнинг истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашиниб, бу каби мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СУДЛАРДА ДАЪВОЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛИШИНИ ОНЛАЙН КУЗАТИШ МУМКИН

*Ўтган давр мобайнида судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришиш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.*

## Муносабат

Шу йил 3 сентябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор бу борада навбатдаги қадам бўлди.

Унга мувофиқ, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерфаол электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, шунингдек, махсус ахборот дастурларини жорий қилиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди.

Шу билан бирга, 2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш, 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилишни назарда тутувчи 2020 — 2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури ҳам тасдиқланди.

Қарорда 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қатор имкониятларни берувчи "Адолат" ахборот тизимлари комплекси жорий этилиши ҳам белгиланган.

Унинг ёрдамида давлат ҳокимияти ва бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда юборишлари ҳамда манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш мумкин.

Шунингдек, Президентимиз қарорига асосан, Олий суд 2020 йил якунига қадар суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида қатнашиш имконини берувчи мобиль дастурни ишлаб чиқади ва уни амалиётга жорий этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ҳамда ушбу қарорнинг Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан илгари сурилган дастурий вазифаларига мослигини алоҳида эътироф этамиз.

Бинобарин, партиямиз учун қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаси доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Биз судлар фаолияти очиқлиги ҳамда ошкоралигининг кучайтирилиши, "электрон ва рақамли суд" концепциясининг амалга оширилиши, судлар томонидан ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этилиши, маҳалла, корхона ҳамда ташкилотларда кўчма суд йиғилишлари ўтказилишини — адолатли суднинг гарови, деб биламиз. Биз учун суд фаолияти ва мустақиллигининг энг муҳим мезони фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимояланганлиги, адолатли судлов таъминлангани, якуний ҳамда барқарор суд қарорларининг қабул қилинганидир.

Хулоса шуки, бугунги давр судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерфаол хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштиришни талаб этмоқда. Мазкур қарор суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ҳамда бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Актам ХАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**
**ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.**

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ЕЧИМИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғи асосида айни пайтда Маданият вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлар институти (МИЦАИ) билан ҳамкорликда Бухоро вилоятида жойлашган Чор Бакр ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари, Вобкент минораси, Чашмаи Аюб ва Сомонийлар мақбаралари, қадимги Пойкент, Варахша, Вардонзе ҳамда Куртони Ромитан археология мероси объектларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритиш бўйича номзодлик ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Навоий вилоятидаги Мавлоно Ориф Деҳгароний мажмуасини номзодлар рўйхатига киритиш бўйича тадқиқот ишлари COVID-19 пандемиясининг таъсири сабабли бир оз кечиктирилмоқда.

Номоддий маданий меросни асраш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида халқаро ҳамда республика миқёсида кўрик-танлов ва фестиваллар доимий равишда ташкил этилмоқда. 2022 йилдан бошлаб, Хива шаҳрида "Лазги" халқаро рақс фестивали ўтказилиши режалаштирилаётгани диққатга сазовор.

Вазирлик жавобида келтирилган рақамлар, таҳлиллар, гарчи парламент аъзоларини қаноатлантирган бўлса-да, ушбу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштириш, самарадорлиги юқори бўлишига эришиш зарурлиги таъкидланди.

## Ҳудудларда синов лабораторияларини ташкил этиш ҳолати қандай?

Депутатлар "Импорт маҳсулотларини божхона текширувидан ўтказиш тизимини янада қулайлаштириш мақсадида вилоятларда агентликнинг махсус лабораторияларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт") бош директори Д. Сатторовнинг жавобини кўриб чиқдилар.

Парламент сўровига жавобда қайд этилишича, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатига 82 турдаги маҳсулотлар киритилган бўлиб, бу мамлакатимизга импорт қилинадиган жами маҳсулотларнинг 41 фоизини ташкил этади.

Қонунчилик палатаси депутатлик корпуси тадбиркорлик субъекти томонидан хориждаги доимий шерик — товар етказиб берувчидан бир хил турдаги товарларни олганда, ҳар сафар товарларни қайта-қайта синовдан ўтказиш ва сертификат беришни соддалаштириш юзасидан амалга оширилаётган чоралар билан қизиқдилар.

Агентлик жавобида қайд этилишича, мамлакат раҳбарининг 2018 йил 12 апрелдаги қарори билан айнан бир хил товарларга бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида карантин рухсатномалари, мувофиқлик сертификати, ветеринар, гигиеник ва экологик сертификатлар бир календарь йилидан ошмаган муддатга бир маротаба тақдим қилиниши белгиланган. Шунингдек, 2018 йилдаги яна бир ҳужжатга биноан мувофиқлик сертификатларини расмийлаштиришда такрорланувчи синовлар ўтказилиши тақиқланган.

Тизим жорий йилнинг июль ойидан бошлаб мукаммал йўлга қўйилди. Чунончи, Президентимизнинг 2020 йил 21 августдаги "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 январга қадар халқаро, минтақалараро ва хорижий стандартларни уларнинг асл тилидаги маҳсулотга талабларни ўзгартирмасдан худди шундай кўринишда қабул қилиш орқали, 1995 йилгача тасдиқланган 5236 та стандартни "тартибга солувчи гильотина" усулида бекор қилиш кўзда тутилди.

Синов лабораторияларини модернизациялаш ва янгиларини ишга тушириш, озиқ-овқат маҳсулотларини синаш жараёнини замонавий талабларга мослаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам халқ вакиллари диққат марказида бўлди.

Таъкидланганидек, 2019-2020 йил (8 ой) давомида жами 58 та, шундан 26 та янги синов лабораторияси, 32 та фаолият юритиб келаётган синов лабораторияси аккредитация қилинган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини синаш жараёнини замонавий талабларга мослаштириш мақсадида агентлик тизимидаги Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Наманган, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги синов лабораторияларини Жаҳон банкининг 9 млн. АҚШ долларидан зиёд миқдоридаги имтиёзли кредити ҳисобига модернизация қилиш ҳамда замонавий ускуналар билан таъминлаш бўйича тендер танловлари ўтказилган. Ташкил этилган тендер савдолари орқали тизимда муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Наманган шаҳридаги "Юксалиш" кичик саноат зонаси ҳудудида қиймати 5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа асосида полимер, енгил саноат, электр техникаси, кимё ва қурилиш маҳсулотларини халқаро талаблар асосида синовдан ўтказадиган "Наманган синов лабораториялар мажмуаси"ни 2021 йилда ташкил этиш белгиланди.

Айни пайтда Андижон ва Қашқадарё вилоятларида лабораторияларни жиҳозлашга 4 млн. АҚШ долларидан зиёд маблағ молиялаштирилиши режалаштирилган. Бу маблағ металлургия маҳсулотларининг физик-механик ҳамда кимёвий синовларини ўтказиш учун 64 та замонавий синов ускунаси харид қилинишига йўналтирилади. Ушбу синов лабораториялари 2021 йилнинг биринчи чорагида аккредитациядан ўтказилиб, тўлиқ ишга туширилиши кўзда тутилган.



Парламент сўровида кўтарилган масалалар ўзининг долзарблиги билан "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар олдига аниқ вазифаларни қўйиб, тизимли ишлар олиб борилишини тақозо этади.

Қизғин муҳокамалар руҳида ўтган мажлисда парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

## Сўз — депутатларга

**Умиджон ЖАББОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— "Миллий тикланиш" ДП фракцияси ташаббуси билан "Ўзстандарт" агентлигига юборилган парламент сўрови натижаси мажлисда қизғин муҳокама қилинди. Унда бир қатор масалалар кўтарилганди.

Биринчидан, Ўзбекистонга олиб кирилган импорт маҳсулотларини сертификатлаш учун синов муддати товар хусусиятидан келиб чиқиб 5 кундан 29 кунгача чўзилишига сабаб нима? Иккинчидан, эркин иқтисодий зоналардаги тадбиркорлик субъектларининг импорт маҳсулотларини божхонадан ўтказиши учун Лойиҳаларни комплекс экспорт қилиш марказининг хулосаси талаб этилиши қўшимча вақт ва маблағ сарфига олиб келмоқда. Бу тизимни қайта кўриб чиқишга нима халақит беряпти? Учинчидан, ҳудудларда синов лабораториялари кам ёки замонавий синов жиҳозлари таъминоти ҳаминқадар амалга ошириляпти. Бунинг сабаби нимада?

Хуллас, парламент сўрови юбордик, бу ёғига агентлик жавоб берсин, деб ўтирмай, биз, "Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзолари 3 сентябрь куни "Ўзстандарт" агентлиги фаолияти билан жойига бориб танишдик. У ердаги ишлар, лойиҳалар, лабораториялар фаолиятини кўриб, соҳадаги муаммоларни бирма-бир ўргандик.

Муаммолар ва келиб чиқиш сабаблари ҳам биз ўйлагандан бошқачароқ экан. Масалан, республикамизда ҳозирги кунда товарлар, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлайдиган жавобгар орган аниқ белгилаб қўйилмаган. Тўғри, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Давлат санитария назорати ва "Ўзстандарт" каби органлар бу борада айрим ҳаракатлар қиляпти, лекин бу ишларни мувофиқлаштирувчи тизим мавжуд эмас. Ҳамма ўз билганича, баъзан эса бир-бирини такрорламоқда, холос. Бу органлар ҳаракатини интеграция қилиш, ягона масъул орган тузиш вақти-соати етгани маълум бўлди.

Яна бир муаммо шуки, бозорларимизга чиқаётган аксарият маҳсулотлар сифат сертификатига эга эмас ва текширадиган масъул орган ҳам йўқ. Кўпинча, қайсидир маҳсулот сифати бўйича шикоят тушсагина, текшириш бўлади, ўша маҳсулот реализатори арзимаган жарима билан қутулади-да, кейин яна ишини давом эттираверади.

Хуллас, анча муаммолар йиғилиб қолган экан. Уларни чуқур ўрганиш ва аниқ хулосалар билангина ҳал қилиш мумкин.

Шу боис "Ўзстандарт" агентлиги фаолиятини такомиллаштириш учун таклифларни илгари сурдик.

**Анварxон ТЕМИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Мажлисда бир қатор қонун лойиҳалари билан бирга, "Наманган вилояти Наманган шаҳар таркибида Давлатобод туманини ташкил этиш тўғрисида" қарор қабул қилинди. Ишонаманки, бу хайрли иш бўлади.

Боиси ўзим Косонсой туманида улғайган бўлсам-да, бир неча йиллар Наманган шаҳрида фаолият олиб борганман. Кейинги йиллардаги қурилиш ишлари, тадбиркорлик ривожланиши, аҳоли кўпайиши, ишлаш ва яшаш учун кўчиб келишлар натижасида Наманган шаҳри анча кенгайди, таъбир жоиз бўлса, энига ҳам, бўйига ҳам ўсди.

Бу қувонарли ҳолат бўлиши билан бирга, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсата бошлаган эди. Чунки шаҳар аҳолиси кўпайиши билан ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам, мурожаатлар ҳам кўпайди. Бундай вазиятда одамларга тезкор хизмат кўрсатиш, уларнинг иши, бизнеси ривожланиши, турмуши юксалиши учун қулай шароит яратиш жуда муҳим эди.



Парламент қуйи палатаси қабул қилган қарор бу йўлда энди биринчи қадам, деб ўйлайман. Нега десангиз, янги туман (айниқса, шаҳар ичида) ташкил этиш осон иш эмас. Бунинг учун ҳали жараёнда юзага чиқадиган кўплаб масалалар ва мурожаатларни ҳал қилишга тўғри келади. Фуқаролар қийинчилик ва сарсонгарчиликка дуч келмаслиги учун биз, депутатлар ҳам бир четда қараб турмай, яқиндан ёрдам берамиз.

Давлатободликлар хотиржам бўлиши керак, улар ҳали ҳам Наманган шаҳри аҳолиси ҳисобланишади, кўп нарса ўзгаргани йўқ: бозор ҳам, кўчалар ҳам ўша-ўша. Фақат уларга хизмат қиладиган давлат идоралари энди яқинроқ бўлади, таклифлар, мурожаатлар тез эшитилади. Ниятимиз, Давлатобод номига яраша давлатманд, обод туман бўлсин.

**Фарҳодбек АШМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида тайёрланган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига тегишли ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси куни кеча бўлиб ўтган мажлисда кўриб чиқилиб, кўпчилик овоз билан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Унда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан транспорт воситасини ушлаб туришни бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Очиғини айтиш керак, амалдаги ҳолат аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Кутилаётган натижа ҳақида тўхталадиган бўлсак, бунда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда автотранспорт воситаларини ушлаб туриш тартиби бекор қилинади. Бу эса ортиқча моддий маблағ сарфланишининг олдини олиш баробарида фуқароларга қулайликлар яратади.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ГЛОБАЛ МУАММО



**Инсоният пайдо бўлгандан бери глобал ечим талаб қиладиган муаммоларга мунтазам тўқнаш келаверади. Улардан энг асосийларидан бири — миллатлар ҳамда элатлар генофондига бевосита ва билвосита ҳалокатли таъсир этадиган, инсонлар ҳамда ҳайвонлар ўзаро муносабатда яшаб турган муҳитда вужудга келадиган турли юқумли касалликларнинг тарқалишидир. Касалликлар давлатларга катта иқтисодий зарар келтириш билан бирга, одамлар саломатлигига ҳам хавф солади ва бу айни кунда инсоният ҳаётида исботини топмоқда. Мамлакатимизда бу борада барча ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, "Ветеринария тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, эпизоотияга қарши профилактик тадбирлар мунтазам олиб борилмоқда.**

**Ветеринария инфраструктурасининг ривожланиши ҳудудларда эпизоотик ва эпидемик барқарорликни, аҳолини хавфсиз ҳамда истеъмолга яроқли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва халқаро савдо алоқаларининг ривожланишига хизмат қилаётир.**



Бугунги кунда ветеринар касби дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи мутахассис сифатида тан олинади. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда бу касб эгаларига катта маош тўланади.

Ветеринар мутахассислар эса юртимизда биргина Самарқанд ветеринария медицинаси институтида тайёрланади. Президентимизнинг ташаббуси билан мазкур олий таълим даргоҳи ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмади. 2018 йилнинг 8 май куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қарори асосида, собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалик институти негизида ташкил этилган олийгоҳ бугун ветеринария ва чорвачилик соҳаси учун янги, замонавий билимларга эга олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, инновацион ғоялар ҳамда технологияларни соҳага татбиқ этишни мақсад қилган.

## ОТМ фаолиятига бир назар

***Бугунги кунда институтнинг жами 5 та факультетида 5000 дан зиёд талабалар таҳсил олмоқда. Таълим ўзбек, рус ва алоҳида кичик гуруҳларда инглиз тилларида олиб борилади. Талабалар орасида Россия, Тожикистон, Афғонистон ҳамда бошқа хорижий давлатлар фуқаролари ҳам бор. Ветеринария диагностикаси ва озиқ-овқат хавфсизлиги, ветеринария профилактикаси ва даволаш, биотехнология ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси, зооинженерия, иқтисодиёт ва агротехнологиялар факультетлари шулар жумласидандир.***

Муассасада барча таълим йўналишлари бўйича бакалавриат ва мавжуд мутахассисликлар бўйича магистратура босқичи талабаларининг амалий ўқув, кўникмаларини ошириш ҳамда илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланишлари учун ўқув-тажриба хўжалиги мавжуд, у салоҳиятли моддий-техника базасига эга. Институт ҳар йили халқ хўжалиги учун 1300 нафардан зиёд ветеринария мутахассисларини тайёрлайди. Самарқанд ветеринария медицинаси институти қошида академик лицей ва техникум, шунингдек, институтнинг Нукус ҳамда Тошкент филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Айни кунда ҳам Самарқанд ветеринария медицинаси институти соҳа мутахассислари тайёрлайдиган Марказий Осиёдаги ягона олий таълим муассасасидир.

Таълим муассасасининг ўрганиш объекти бўлган озиқ-овқат хавфсизлиги юзасидан амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар, илмий ишланмалар, ҳимоя қилинаётган диссертациялар бу глобал муаммонинг ечими ўзимизнинг ички имкониятларимиз, табиий иқлим шароитлари инобатга олинган ҳолда ўрганилиши лозимлигини тақозо этади.

Халқаро ҳамкорлик алоқаларимиз кенгайди — бугунги кунда институтимиз дунёнинг 84 та етакчи олий таълим муассасаси билан илмий ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйган. Уларнинг энг яхши томонларини ўзимизда жорий этишга, тажрибаларимиз билан ўртоқлашишга интиляпмиз.

Европа ҳамда Россиядаги нуфузли олийгоҳлар, жумладан, Москвадаги Скрябин номидаги ветеринария медицинаси академияси, Темирязев аграр университети, Латвия табиий фанлар ва технологиялар университети, Беларусь Республикаси Гродно университети, Витебск ветеринария медицинаси академияси ҳамда бошқа таълим муассасалари билан турли қўшма лойиҳалар ва алмашинув дастурлари доирасида амалий ҳамкорлик ўрнатилган. Яъни бунда талабалар маълум муддатга хорижий ўқув юртларига ўқишга юборилади, профессор-ўқитувчилар малака ошириш курсларини ҳамкор хорижий олий таълим муассасаларида ўтайди.

## «2+2» таълим дастури: у қандай самара беради?

***Кишилик жамиятининг асрлар давомида асосий муаммоси бўлган озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи айни кундагидек пандемия шароитида кун тартибидаги биринчи масала сифатида эътироф этилмоқда.***

Мамлакатимизда мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар айни пайтда ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда ҳамда бу борада ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Республикамизда қайта ишлаш саноатини жаҳон талаблари даражасида ривожлантириш, маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, озуқавий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган навбатдаги тадбирлардан бири Самарқанд ветеринария медицинаси институтида Латвиянинг табиий фанлар ва технологиялар университети билан ҳамкорликда ташкил этилган янги қўшма факультетдир.

Мазкур битим асосида жорий 2020 йилдан бошлаб бакалавр таълим йўналишида ҳамда магистратура босқичига талабалар ўқишга қабул қилинади. Талабалар "2+2" таълим дастури асосида икки йил Самарқанд ветеринария медицинаси институтида, яна икки йил Латвия табиий фанлар ва технологиялар университетида таълим олади. Битирувчиларга ҳар икки олий таълим муассасасининг битирганлиги ҳақида махсус диплом берилади. Машғулотлар рус ҳамда инглиз тилларида олиб борилади.

"Озиқ-овқат сифати ва инновациялар" таълим йўналишининг асосий мақсади озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасига юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, сифат ҳамда инновацияларга, қайта ишлаб чиқариш корхоналари — компанияларда сифатни таъминлаш, илмий изланишлар ўтказиш билан биргаликда, олий таълим негизида таълим олишни давом эттиришдан иборатдир.

Битирувчилар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи замонавий лабораторияларда, илмий текшириш институтларида, сифатни назорат қилиш идораларида ишлаш билан бирга, Европанинг ривожланган мамлакатлари тажрибасини Ўзбекистонда татбиқ этиш ва мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлаб экспортболлигини оширишда ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этади.

Дарҳақиқат, юртимиз табиати турли ноз-неъматларга бой. Биргина мева-сабзавотларни қайта ишлаш орқали ҳам яна бир янги маҳсулот турини яратиш имконияти мавжуд. Уларни жаҳон талаблари асосида қайта ишлаб, қадоқлаб, экспортбоп маҳсулот яратиш, уни халқаро сертификатларга мослаштириш учун бизга яхши мутахассислар зарур. Самарқанд ветеринария медицинаси институтида эндиликда ана шундай мутахассислар тайёрланади.

## Институт хорижий компаниялар билан ҳам ҳамкорлик қилади

Ўзбекистоннинг экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлари (гўшт, сут, мева, сабзавот ва ҳоказо)ни юртимизга келган ҳар бир хорижий эксперт доим эътироф этади, тан олади. Шу ерда бир савол туғилади: дунё бозорида кимёвий ишлов берилган, узоқ муддат турли иқлим шароитларида сақланиши кафолатланган, гени ўзгартирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг бозори чаққонми ёки табиий тоза маҳсулотларнингми? Албатта, табиий тоза маҳсулотларнинг.

Демак, образли айтганда, маҳсулотларимизни жаҳон бозорида "кўзга суртиб олишлари мумкин". Аммо бизнинг бозоримиз йўқ, нега? Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз аввало, яқин атрофимиздаги ҳамдўстлик давлатлари бозорларида ўз ўрнимизга эга бўлиб олишимиз керак. Бунинг учун маҳсулотларни қайта ишлаш, қадоқлаш талаб этилади. Бунинг учун бизга замонавий технологиялар лозим, қолаверса, ўша технология билан ишлашни биладиган мутахассислар ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти айни кунда бир неча халқаро хорижий компаниялар билан музокаралар олиб бормоқда, грант лойиҳаларида иштирок этяпти.

Мисол учун, Америка Қўшма Штатларининг "Chemonics" компанияси агробизнес, саломатлик, фан ва таълим, шунингдек, иқтисодиёт ҳамда халқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича инновацион лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланувчи йирик халқаро ташкилотлардан бири. Улар юртимизга, иқтисодий салоҳиятимизга катта қизиқиш билдиряпти. Биз шу каби хорижий ҳамкорларимиз кўмагида иқтисодиётимизни замон талаблари даражасида юксалтиришга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришишимиз мумкин.

Яна бир эътиборга молик воқеа — кўп йиллик орзуларимиз амалга ошиб, институт ҳудудида деярли 35 йилдан буён қурилиши чала ётган янги бино бу йил Давлат дастури асосида капитал реконструкция қилиниб, қурилиши якунланди. 25 миллиард сўм маблағ эвазига қурилган бу маҳобатли бинода маъмурият ва иккита факультетдан ташқари, лабораториялар маркази жойлашади.

## Ветеринария мутахассисларига талаб юқори

***Институтимизга қабул квоталари йилдан-йил ошиб бормоқда. Чунки биз тайёрлайдиган мутахассисларга бугунги кунда талаб ўта юқори. Институт иш бошлаган биринчи йили 720 нафар талаба қабул қилинган бўлса, ўтган ўқув йилида бу кўрсаткич 1200 нафарга ошди. Жорий 2020 йилда эса икки баробардан кўп, яъни 2435 нафар талаба ўқишга қабул қилинади.***

Бу йил институтнинг магистратура босқичини 47 нафар талаба тамомлайди. Улар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан. Битирувчиларимизнинг қаерда иш фаолиятини олиб бориши ва нима иш қилиши олдиндан белгилаб қўйилган.

Карантиндан сўнг мамлакатимиз иқтисодиётида баъзи катта ўзгаришлар бўлиши табиий ҳол. Ветеринария ҳамда чорвачилик соҳаси мутахассисларига бўлган талаб, шунингдек, улар зиммасидаги масъулият ҳам янада ортади.

## Илмий салоҳиятни оширишга интиламиз

***Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг асосий штатида бугун 428 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатади. Шундан 31 нафарини фан доктори, 94 нафарини фан номзоди ва 12 нафарини фалсафа доктори илмий даражали профессор-ўқитувчи ташкил этади.***

Институтда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг 32 фоизи илмий даражага эга. Институтда сўнгги уч йилда 22 нафар PhD илмий даражали, 13 нафар DSc илмий даражали, 35 нафар илмий тадқиқотчи диссертацияларни ҳимоя қилишди.

Айни кунда институтимизнинг илмий салоҳияти 33 фоизни ташкил этади. Ҳозир бир қатор турдош институтлар, жумладан, Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамда илмий тадқиқотчилари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари — парранда, балиқ ва асалариларда учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволаш борасида, шунингдек, қоракўл қўйлари ва қорамолларнинг маҳсулдорлигини ошириш ҳамда насл хусусиятларини яхшилаш, янги тизимлар яратиш ва шу каби илмий жиҳатдан долзарб мавзулар устида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги грантлари асосида 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган давлат илмий-техник дастурлари доирасида институт томонидан жорий йилда жами 6 та амалий лойиҳага 1 110550.0 сўм маблағ ажратилган.

Институт олимлари ва тадқиқотчилари томонидан ўқув йили давомида эълон қилинган 757 мақоланинг 65 таси халқаро илмий журналларда, 172 таси республика илмий журналларида чоп этилди. Йил давомида 10 та монография, 24 та тавсиянома, 11 дарслик ҳамда ўқув қўлланма нашрдан чиқарилди.

## Ёшлар — келажагимиз

***Самарқанд ветеринария медицинаси институтида номдор давлат стипендиялари соҳиблари, спорт ва санъат йўналишлари бўйича совриндор талабалар, Ўзбекистон ҳамда халқаро мусобақалар ғолиблари, умуман олганда, иқтидорли талабалар жуда кўп.***

Ана шундай ёшлардан бири Нурмуҳаммад Нарзиевдир. Бу талабамиз яқинда Ўзбекистон шарафини янада юксакка кўтариб, Халқаро эпизоотик бюро томонидан дунё миқёсида ўтказилган халқаро танлов-челленжда мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

Республикамизда коронавирус пандемияси муносабати билан институт талабалари масофавий таълим олиши билан бир қаторда, Ёшлар ва талабалар билан ишлаш бўлими томонидан талаба-ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида "Уйда қолинг — ташаббус қилинг", "Китобхон талаба", "Kitob_challenge" ("Маърифатга ошно бўл") шиори остида ижтимоий акция, "Биз нечун севамиз, Ўзбекистонни?" мавзуида ҳикоялар танлови, "Step by step" номли кўрик-танлов, акциялар ҳамда хештеглар ўтказилиб, танлов натижалари ва ғолиб бўлган талабалар тўғрисидаги маълумотлар @samvmi_yoshlari телеграм каналида ҳамда институтнинг расмий веб-сайти — http://samvmi.uz/uz ва расмий телеграм — https://t.me/otmsamvmi каналларига жойлаштириб келинмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус доирасида ҳамда карантин даврида талабаларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида, Ёшлар ва талабалар билан ишлаш бўлими томонидан ҳар бир ташаббус доирасида телеграм бот каналлари ташкил қилинган бўлиб, бу каналларда ташаббуслар бўйича талабалар ўзларининг ижод намуналарини, ўз истеъдод ҳамда қобилиятларини намойиш этади.

## «Таълим кластери» жорий этилмоқда

***Институтимизда жорий этилаётган янги инновацион ғоя — "Таълим кластери" ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш мумкин. Бу лойиҳа ишларимизни узлуксиз ва тизимли ташкил қилишда катта ижобий натижа беради.***

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, Самарқанд ветеринария медицинаси институти турли хўжаликлар, ишлаб чиқариш корхоналари билан шартномалар имзолаган. 3 ҳамда 4-босқич талабалари ўқув-малака амалиётини ана шу хўжаликларда ўташи назарда тутилган. Ривожланган хорижий давлатлардаги олий таълим муассасаларининг ўқув режалари тузилиши ва таркиби қиёсий таҳлил қилиниб, бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув режаларидаги ўқув жараёнининг назарий қисми, яъни маърузалар ҳажми 40 фоиздан 34 фоизга камайтирилиб, амалий-лаборатория машғулотлари ҳажми 60 фоиздан 66 фоизга оширилди.

Ўтган ўқув йилидан 1 ҳамда 2-босқичларда ҳафтасига 5 кунлик ўқув тизими жорий этилди. Янги 2020/2021 ўқув йилидан бошқа босқичлар ҳам шу тизимга ўтказилади. Аммо бу кўрсаткич ҳам етарли эмас. Маърузалар ва амалий-лаборатория 30 га 70 бўлган ҳолатдагина биз кадрлар рақобатбардошлигини янада оширишимиз мумкин. Бунинг йўли сифатида Президентимиз томонидан илгари сурилган номутахассис бўлган фанларни қисқартириш, қолаверса, назарий курсларни янада ихчамлаштириш ҳисобига эришиш мумкин.

Яқинда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ташаббуси билан институтимизда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ветеринария врачлари ҳамда зоотехниклар учун туркиялик мутахассислар иштирокида икки ҳафталик ўқув семинари ташкил этилганди. Шунда қизиқ бир вазиятга дуч келиб, талабаларимиз учун амалиёт нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Туркияликларга ўқув машғулотлари жараёнида муляжлардан фойдаланишлари мумкинлигини таклиф қилгандик, улар рози бўлишмади. Улар дарсларда фақат тирик ҳайвонлардан фойдаланиш лозимлигини таъкидлашди.

Демак, талабалар учун амалиёт жуда зарур.

"Таълим кластери" жорий этилганда, бу ишлар ўз-ўзидан тизимли йўлга қўйилади. Академик лицей, техникумдан бошлаб олий таълим муассасалари, университет, илмий-тадқиқот институтлари, хўжалик ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорлиги асосида ривожланишнинг янги босқичи, таълимнинг халқ хўжалигидаги ўрни ҳамда роли янада ортади.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чорва моллари наслчилиги, уларни озуқа билан таъминлаш ва гўшт, сут ҳамда бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш борасида олиб бораётган ишларимизда яна бир ҳуқуқий асос бўлди.

Халқимизнинг бу маҳсулотларга талаби ҳамиша юқори бўлган. Бугунги кунда ушбу талабни табиий манбалар ҳисобига қондириш ва ортганини экспортга чиқариш учун шароит ҳамда имкониятлар етарли.

Озиқ-овқат маҳсулотларимиз халқаро сертификатларни олиши ва жаҳон бозорида ўз харидорларига эга бўлиши учун ҳам барча имкониятни ишга солиш вақти келди. Хусусан, чорвачилик хўжаликлари ҳамда ушбу фаолият тури билан шуғулланувчилар учун ажратиладиган субсидиялар, уларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар, бу жараёнда давлат улушининг қисқартирилиши соҳада олиб бораётган ислоҳотларни янада жонлантиради, самарадорлигини оширади.

Бугунги кунда Самарқанд ветеринария медицинаси институтига кўплаб мазкур соҳа олимлари, халқаро экспертлар келиб, янги лойиҳаларни таклиф қилмоқда. Биз бу лойиҳаларни амалиётга жорий этиш ҳамда самарадорлигини ошириш йўлидаги интилишларимизни тўхтатмаймиз ва умид қиламизки, тез орада бу ўз натижасини беради.

Айни кунда мамлакатимизда ветеринария препаратлари ишлаб чиқаришни замон талаблари даражасида модернизация қилиш, чорва ҳайвонлари ҳамда паррандаларда қайд этилаётган турли юқумли ва юқумсиз касалликларнинг диагностикаси, даволаш ҳамда уларга қарши курашишнинг илмий асосланган тизим ва воситаларини жорий этиш, бу йўлда хорижий ҳамкорларнинг тажриба ҳамда малакаларидан фойдаланиш, қолаверса, илмий ва амалий ҳамкорликни кенг миқёсда йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда институтимизга Беларусь Республикасининг "БелВетУниФарм" ишлаб чиқариш корхонаси мутасаддиларидан иборат делегация ташриф буюрди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида биофармацевтика дори маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринда турувчи мазкур корхона мамлакатимизда худди шундай турдаги дори маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Беларусь — Ўзбекистон қўшма корхонасини ташкил этиш ва бу йўлда Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳамда ветеринария илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ва тадқиқотчилари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни мақсад қилган.

Хуллас, келгусида амалга оширмоқчи бўлган режаларимиз кўп. Мақсад битта — мустақил юртимиз тараққиётига илм-фанда эришаётган улкан ютуқларимиз билан ҳисса қўшиш, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида ҳукуматимиз ҳамда халқимизга мутахассис сифатида яқиндан кўмак бериш, қолаверса, рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборат.

**Худайназар ЮНУСОВ,**
**Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори, биология фанлари доктори, профессор.**

# ҲИСОБ-КИТОБ АНИҚ БЎЛСА, ИШ ҲАМ ТАРТИБЛИ ВА САМАРАЛИ БЎЛАДИ

1

**Шуҳрат ТЕШАЕВ, қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Мамлакатимизда фуқароларнинг турмуш даражасини юксалтириш, аҳолининг реал даромадини ошириш, уларни иш билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қараб келинади. Бу жараёнда фермерлик ҳаракати, ердан унумли фойдаланиш борасидаги ишларнинг аҳамияти юксак.

Мазкур Фармон билан вазирлигимиз зиммасига қишлоқ хўжалиги ерларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, мониторингини юритиш, геоботаника, тупроқшунослик тадқиқотларини олиб бориш каби вазифалар юклатилди.

Кейинги ўн йилда 1 миллион 100 минг гектар фойдаланилмай турган майдонни ўзлаштириб, сувли ерга ўтказиб, самарали фойдаланишни йўлга қўйишимиз керак. Фармон бизга мана шу ишларни амалга оширишда ҳам ҳуқуқий асос яратяпти.

**Шерзод ҲАБИБУЛЛАЕВ, "Давергеодезкадастр" қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, соҳада замонавий технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг асосий мақсади хизматлар сифати ва кафолатини оширишга қаратилган. Шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, янги йўналиш, яъни тадбиркорларнинг кадастр соҳасига кириб келишидир. Илғор давлатларда барча кадастр хизматлари хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, давлат томонидан рўйхатга қўйилади.

Бунинг асосий моҳияти сифатни ошириш ва бозорни шакллантиришга олиб келади.

**Бекзод НИШОНОВ, "Давергеодезкадастр" қўмитаси бўлим бошлиғи:**

— Энг асосийси, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишдаги вазифалар, геодезия, картография соҳасида юритилиши лозим бўлган ишлар 21 та давлат кадастрини юритиш бўйича барча маълумотларни жамлаш, уларни ваколатли органларга тақдим этиш шу вазифалар сирасига киради.

Шунингдек, кадастр соҳасида халқаро тажрибадан келиб чиқиб, йирик инновацион ғоялар, инновацион тизимлар орқали кадастр соҳасини ривожлантириш ҳам киради.

Бундан ташқари, кадрлар салоҳиятини ошириш ва тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратилади.

**Олимжон ФАЙЗИБОЕВ, Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Айни вақтда юртимизнинг барча ҳудудида ерга муносабат, ундан тўғри фойдаланишга бўлган эътибор ўзгарди. Лекин бу ҳаракатлар ҳамма жойда ҳам ўз самарасини бераётганмикин?



Ҳозирги кунда шундай вазият юзага келганки, солиқ органларининг базасидаги кўчмас мулк ва ер майдони эгаларининг сони давлат ер кадастри идораларининикига нисбатан бирмунча кўп бўлиб чиқяпти. Масалан, жорий йил мобайнида 85 минг ҳолатда 228 минг ноқонуний ер эгалланганлиги бўйича ишларни кўриб чиққанмиз. Оқибатда бюджетга қўшимча 200 миллиард сўмга яқин маблағ туширишга эришилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Фармон билан базамиз бирхиллашади. Мулк ва ер солиғи тушуми ҳам ошади.

**«Халқ сўзи».**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мазкур қўмита аъзоси

**Шарап УСНАТДИНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6